

# TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYA

Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-uslubiy jurnal



ISSN-2181-8274

4/2021

**ОБРАЗОВАНИЕ, НАУКА И ИННОВАЦИИ**  
духовно-просветительский и научно-методический журнал

**EDUCATION, SCIENCE AND INNOVATION**  
spiritual-enlightenment, scientific and methodical journal

**Ushbu sonda:**

Ta'lim iqtisodiyoti

Ta'lim sifatini oshirish

Pedagogika va psixologiya

Xalqaro munosabatlar va geosiyosat

Sog'lom avlod-kelajagimiz poydevori

Ma'naviy-axloqiy tarbiya va ma'rifiy ishlar

Barkamol avlodni tarbiyalashda ta'sirchan tadbirlarni  
tashkillashtirish

Zamonaviy pedagogik texnologiya va o'quv jarayonini  
loyihalash

Axborot-kommunikatsiya imkoniyatlaridan unumli va  
samarali foydalanish



Маънавий-маърифий, илмий-  
услубий журнал  
1996 йилда ташкил этилган.

**Тахрир хайъати раиси:**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим**  
**вазир А.Х.Тошқулов**

**Тахрир хайъати раиси**

**Ўринбосарлари:**

К.Х.Каримов

С.М.Бузрукхонов

**Бош муҳаррир:**

М.Х.Эсанов

**Бош муҳаррир ўринбосари**

М.Тожиёв

**Тахрир хайъати аъзолари**

О.Х.Базаров

И.У.Ибрагимов

М.Тажиёв

Г.К.Баходирова

И.У.Мажидов

С.М.Туробжонов

К.А.Шарипов

Р.И.Халмуратов

Н.К.Мадияров

М.К.Кодиров

**Жамоатчилик кенгаши аъзолари:**

Х.А.Ақбаров, Г.Ш.Рихсиева

К.Х.Каримов, Ж.А.Ризаев

Ш.Т.Кудратхаджаев

Б.Ш.Усмонов, Ш.С.Сирожиддинов

Т.З.Тешабаев, М.Т.Ходжиев

У.Қосимхўжаев, Қ.Х.Абдурахманов,

Б.И.Абдуллаев, Н.М.Жабборов,

В.К.Жаров, М.А.Жумомуротов

**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлиги;

Олий таълимни ривожлантириш тад-

қириқлари ва иттифоқ технологиялари

таъбиқ этиш маркази

**Манзил:** 1000095, Тошкент шаҳри,

Олмазор тумани, 100095, Тошкент,

Shjbotirko'chasi, 75-uy

## 2021/4-son

# MUNDARIJA

### ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ

- Н.Ж.Абдуллаева.** Инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчилари таянч компетенцияларини шакллантириш.....3
- З.Насырова.** Концептуальная модель подготовки учителя к диагностической деятельности и доведение её до уровня практического использования.....8
- М.Р.Тўрабоева.**Талабаларнинг шахсий-креатив компетенциясини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ва имкониятлари.....12
- Н.Я.Каримова.** Психолого - педагогические особенности обучения студентов и активизация их познавательной деятельности.....16
- З.М.Мамажонов.** Бўлажак ўқитувчиларнинг мотивацион қобилиятлари динамикаси ва касбий мотивациясини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш...21
- Н.Собиржонова, Н.Абдуллаева.** Бошланғич синф ўқувчиларида масъулият хиссини шакллантириш.....28
- Д.Абдуллаев.** Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари.....33
- В.Долимов.** Амалий санъат дарсларида ўқувчиларда индивидуал ёндашишнинг илмий методик асослари.....38

### ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ЛОЙИХАЛАШ

- Х.Худойкулов, Б.Шохимардонова.** Андрогогик ёшидаги инсонларнинг ҳаёт давомида таълим ва тарбия олиш жараёنлари.....42
- Г.К.Баходирова.** Разработка учебно-методических документов на основе международной стандартной классификации образования (МСКО-2011, МСКЗ-2013).....46
- Д.Х.Турдибоев., А.А.Зокиров.** Академик лицейлар геометрия таълим мазмунига дидактик ўқув мақсадлари асосида технологик ёндашиш тамойиллари.....51



*Д.Ю.Абдуллаев- ўқитувчиси  
Наманган давлат университети*

### УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ ФУҚАРОЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

#### Аннотация

Мақолада умумтаълим мактабларида ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялаш муаммосининг долзарблиги, ватанпарварлик тарбиясининг фуқаролик тарбияси билан уйғунлиги ҳусусида сўз юритилади.

*Калит сўзлар:* фуқаро; фуқаролик; фуқаролик тарбияси мақсади; фуқаролик тарбияси вазифалари; фуқаролик жамияти; фуқаролик тарбияси; Ватан; ватанпарварлик тарбияси.

### ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ВОСПИТАНИЯ УЧАЩИХСЯ В ГРАЖДАНСКОМ ДУХЕ В ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ СРЕДНИХ ШКОЛАХ

#### Аннотация

В статье отмечается актуальность проблемы воспитания учащихся в гражданском духе в общеобразовательных школах, гармоничность патриотического воспитания с гражданским воспитанием.

**Ключевые слова:** гражданин; гражданство; цель гражданского воспитания; задачи гражданского воспитания; гражданское общество; гражданское воспитание; Родина; патриотическое воспитание.

### AIMS AND OBJECTIVES OF EDUCATION OF PUPILS IN THE CIVIL SPIRIT IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS

#### Abstract

The article notes the relevance of the problem of educating pupils in a civic spirit in general secondary schools, the harmony of patriotic education with civic education.

*Key words:* citizen; citizenship; the purpose of civic education; tasks of civic education; civil society; civic education; Motherland; patriotic education

Мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги фаол иштирокини таъминлаш, юксак маънавиятли, ватанпарвар ва чинакам эътиқодли фуқаро сифатида шакллантириш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Бугунги ёш авлод давлатимиз мустақиллиги ва тараққиётига ўз ҳиссасини қўшадиган жуда катта куч саналади. Шу боис ўқувчиларнинг келгусида давлат ва жамият тараққиёти, давлат бошқарувидаги фаол иштирокини

таъминлаш умумтаълим мактабларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу вазифа - фуқаролик тарбиясининг мазмунида ўз аксини топади.

Фуқаро – фуқаролиги ҳуқуқий жиҳатдан эътироф этилган ҳамда муайян жамият (давлат) аъзоси бўлган шахс. Ўз фуқароларига эга бўлиш ҳар бир давлатнинг зарур ва муҳим белгиси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Давлат ва Ҳукумат томонидан қабул

килинган тегишли қонун-қондалар, белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланиш билан бирга қонунларда кўрсатилган бурчларни ҳам бажаради.

Фуқаролик – шахснинг муайян давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси бўлиб, бу алоқа шахс ва давлатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбурияларида ифодаланди<sup>1</sup>. Фуқаролик ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларга оғли риюя этиш, маълум ҳуқуқлардан фойдаланиш ва бурчларни бажаришга масъуллик билан ёндашиш, ижтимоий-сиёсий фаоллик ва маънавий етуклик асосида муайян давлатга мансубликни ағлатади.

Фуқаролик тарбияси – бу ўқувчи-ёшлар томонидан демократик ўзини-ўзи бошқариш кўникмаларини эғаллаш, шахснинг сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий танлови, қонунларга сўзсиз итоат этиш, тартибни сақлаш, давлат мудофааси учун масъулиятни ҳис қилиш, мақсадли, амалга ошириладиган педагогик жараёндир. Фуқаролик тарбиясининг моҳияти шахснинг юридик, ижтимоий, ахлоқий ва сиёсий қобилиятини ҳис қилишга имкон беради.

Демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш сари илдам бораётган Ўзбекистонда ўқувчиларни ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билишлари билан бир қаторда бурч ва мажбуриятларини ҳам сўзсиз бажаришга ўргатиб бориш зарур. Чунки бундай жамиятни барпо этиш жараёнида фуқаролик тарбиясининг ўзига хос вазибалари анчагина мураккаблашиб боради. Агарда фуқароларнинг юксак даражада ижтимоий-сиёсий оғли юксак даражада шакллантирилса, фуқаролик позицияси ва фуқаролик фазилатлари мустақкам қарор топса чинакам маънодаги жамият барпо этилади.

Ўзбекистонда умумтаълим мактабларида ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялашнинг муҳим босқичи бўлиб, мактаб таълими ўқувчини ижтимоий муносабатлар томон йўналтиради, ўз бурчини ағлаб етиш ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш имкониятини юзага келтиради.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ёшлар тарбияси хусусида сўз юритиб таъкидлаганларидек: “Келажакда ёшлар билан ишлаш масаласи ижтимоий сиёсатимизнинг устувор вазибаларидан бири бўлиб, бу борада кенг кўламли чоратadbирлар дастурини амалга оширишни такозо этади. Агар биз ёшлар тарбияси билан, ...мунтазам шуғулланиб, бу масалани жой-жойига қуймасак, эртага кеч бўлиши мумкин. Нега деганда, фарзандларимиз эртага бизга ё ташвиш олиб келади, ё манфаат олиб келади. Лекин биз болаларимизнинг ҳақиқий ватанпарвар бўлиши, эртага бизга елкадош, кўмақдош бўлиши учун қилаётган ишларимиз ҳали етарли эмас”<sup>2</sup>.

Бугунги кунда республикамызда умумий ўрта таълим соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани тубдан такомиллаштириш, илғор хорижий тажрибалар, илмий ишланмалар ва технологияларни мактаб фаолиятига интеграция қилиш, таълим олувчиларга чуқур назарий билим, малакалар ва амалий кўникмалар беришга, одобли, ахлоқий фазилатларга эга, юксак маънавиятли, шу билан бирга билимдон, зукко, руҳан ва жисмонан соғлом, кенг дунёқараш ва тафаккурга эга, замонавий касб-хунар эғаси бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялашга, шунингдек уларнинг умумтаълим ва касбий билим, малака ҳамда кўникмаларини шакллантиришга, қобилиятини ривожлантиришга қаратилган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. - Т.: 2005 й, -349-б.

<sup>2</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараккиёт йўлимызни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017 й. – 91-бет.



концептуал ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги «Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4884-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5040-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 6 июндаги “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 422-сонли Қарори ҳамда ушбу қарорга мувофиқ тасдиқланган “Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани Концепцияси” ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий

ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш зарурлиги ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялаш муаммосининг долзарблигини англатади.

Ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялашнинг мақсади фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англатиш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, Ватан, жамият манфаатлари йўлида курашувчи фаол фуқаролар этиб тарбиялашдан иборат. Бу мақсадга фуқаролик тарбиясининг қуйидаги вазифаларини амалга ошириш орқали эришилади:

1. Ўқувчиларни доимий равишда жамиятда устувор мавқега эга бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга ўргатиб бориш.

2. Ўқувчиларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маълумотлар бериб бориш, уларда фуқаролик фаолиятини ташкил этиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш.

3. Ўқувчиларда давлат рамзларига нисбатан ҳурмат ва муҳаббатни қарор топтириш, Республика Президенти шаъни, ор-номусини ҳимоя қилишга тайёрлик ҳиссини шакллантириш.

4. Ўқувчиларда халқ ўтмиши миллий кадриятларга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиш, улардан ғурурланиш, фахрланиш ва ифтихор ҳисларини ошириш.

5. Ватан, халқ, ва миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштира олишга эришиш, фидойи фуқарони тарбиялаб вояга етказиш.

6. Ватан, юрт озодлиги ва мустақиллигини эъозловчи, ардоқловчи, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқарони тарбиялаш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш.

Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялаш

Ватан туйғусини шакллантиришдан бошланади. Инсондаги энг олий туйғу - Ватан туйғусидир. Ўзи туғилиб-ўсган она юртини жон қадар севадиган, ўзга юрт табиатидан ўз юрти табиатичалик завқ ола олмайдиган, диёридаги катта-кичик ютуқлардан фахрланадиган, ҳатто митти чумоли ҳаракатидан завқланадиган бутун ақл-заковати, қалб қўри, куч ва имкониятини шу жамият ва табиат гўзаллиги, ривожига бахшида этаолган инсондагина бу туйғу намоён бўлади.

“Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш КОНЦЕПЦИЯСИ” да болалар ва ёшларда давлат рамзларини эъозлаш, унинг кадр-қимматини англаш, шунингдек, шахсий эҳтиёжлар ва жамият эҳтиёжлари ўртасидаги мувозанатни саклаш ғояларини тарғиб қилишга доир аниқ режалар асосида «очик дарслар» ва ўқув машғулотилари ўтказилишини таъминлаш<sup>3</sup> зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Ватан (арабча «ватан» - она юрт) кишиларнинг яшаб турган, уларнинг авлод ва аждодлари туғилиб ўсган жойи, ҳудуди, ижтимоий муҳити, мамлакати.<sup>4</sup> Ватан инсоннинг руҳияти, турмуш тарзи, онги ва тафаккури, ўтмиши, бугуни ва келажаги мужжасам бўлган тушунчадир. Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб борган. Ибтидоий жамоа тузуми шароитида муайян қабила яшаган жой ўша қабиланинг ватани саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл деб аталган. Масалан, ўзбек халқ дostonларида Чамбил эли ибораси кўп учрайди. Муайян

ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан тушунчаси элат, яъни халқ ва давлат тушунчаларини қамраб олган.

Ватан остонадан, ўзи туғилиб ўсган гўшадан бошланади. Шунинг учун у яшаб, нафас олиб турган хонадонга, улғайиб вояга етишишида муҳташам ва қудратли макон бўлган она заминга меҳр-муҳаббат ва садоқат абадий бўлмоғи зарур. Ҳар бир инсоннинг Ватанга бўлган муҳаббати она сути, она алласи ва ота-она меҳри билан унинг вужудига сингиб боради. Ўз ота-онаси, авлод-аждодлари, уларнинг анъаналари, урф-одатлари, касб-корини севмайдиган фарзанд ўзгаларни ҳам севмайди. Шунингдек миллати, халқи адабиёти, санъати, дини ва маданиятидан ғурурланиб, ўзи ўсган юрт табиатидан илҳомланиб, унинг муқаддас тупроғи қадрини англаб етмайди.

Ватанга муҳаббат - ватанпарварликнинг асл моҳиятидир. Ватанни юракдан ҳис қилмоқ ва севмоқ керак. Бунинг учун соғлом, ақлли ва ўтюррак бўлмоқ лозим. Инглиз шоири Ж. Байрон: «Кимки ўз юртини севмаса, у ҳеч нимани сева олмайди», - деган эди.

Ватанни қалбдан чуқур ҳис қилиш учун ҳам, халқнинг ватанпарварлик намуналарини кўрсатиш учун ҳам Ватан хур, мустақил бўлиши шарт ҳисобланади. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган, Ватаннинг кадри ортди, халқимизнинг кадри тикланди. Шу боис мустақилликнинг кадрига етишимиз, уни эъозлашимиз, мустаҳкамлаб боришимиз керак.

Ватан меҳрини, Ватан туйғусини, унинг мўтабарлиги-ю улуғворлигини сўз билан ифодалаш кийин. Ҳар бир баркамол инсон Ватан учун ҳамма нарсани, ҳатто жонини ҳам аямайди. Мавлоно Фузулийнинг: «Менинг битта ҳаётим бор, борди-ю мингта ҳаётга эга бўлган тақдиримда ҳам ҳаммасини Ватан учун сарфлаган бўлур эдим», - деган

<sup>3</sup> Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш КОНЦЕПЦИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618-сон [Фармони](#)га 1-ИЛОВА.

<sup>4</sup> Мустақиллик: изоҳли-оммабоп луғат. Тошкент, «Шарк», 1998, 33-бет.



сўзлари Ватанни ҳис қилиш заруриятини англатади.

Ватанпарварлик аниқ бир ҳаётий муҳитда, ижтимоий заминда ва мавжуд маънавий-ахлоқий қадриятлар асосида шаклланади. Унинг тўла ва тўғри шаклланиши, юксак намуналарни кўрсатиш учун ҳам халқ ва Ватан мустақил бўлиши лозим. Ана шу сабабдан, мустақилликни эъозлашимиз, қадрига етишимиз, уни кадам-бакадам мустаҳкамлаб боришимиз зарур. Шу йўлдаги олиёжаноб фазилат ва эзгу интилишлар бугунги кунда ҳақиқий ватанпарварлик намунасидир.

Ватанпарварлик ғояларини ёшларимиз онгига сингдириш, авваломбор оиладан бошланади. Она Ватан, Ватанга муҳаббат, Ватан туйғуси каби илк тушунчалар ҳам аввало, оила муҳитида шаклланади. Бу жараён боболар ўғити, ота ибрати ва меҳри орқали амалга ошади. Инсон ўзлигини англаши, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар ортади. Ватанпарварлик ғояларни ёшлар қалби ва онгига сингдиришда таълим ва тарбиянинг турли шакллари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ватанпарварлик - бу Ватанимиз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурмат билан қараш ҳамда уни ривожлантиришга ўз хиссасини қўшиш, унинг ҳақиқий жонкуяри бўлиш, Ватан олдидаги масъулиятли, миллат манфаати билан яшаш, ватан тараққиёти, миллат обрўсига обрў қўшиш, халқнинг шон-шухрати ва манфаатини ўйлаш, инсонпарвар бўлиш демакдир.

Ватанга нисбатан садоқат, унга хизмат қилиш, юрт тинчлигини асраш, Ватан равнақи учун фаол бўлишга ундайдиган

ижтимоий маънавий-ахлоқий фазилат саналиб, унинг мазмуни Ватанга меҳр-муҳаббатли ва содиқ бўлишдан, юртнинг ўтмиши ва ҳозирги учун фахрланишдан, мамлакат манфаатларини ҳимоя қилишга интилишдан иборат. Ватанпарварлик ота боболардан меърос қолган заминни севиш, халқ урф-одатларини, қадриятларини асраш ва ривожлантириш, ўз она Ватанини душманлардан, ёт ва бегона ғоялардан ҳимоя қилиш, унинг озодлиги ва мустақиллиги учун жонини ҳам аямасликни назарда тутати.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг Ватанга бўлган муҳаббати уларда фуқаролик ҳиссини уйғониши, Она-Ватан олдидаги бурчларини ҳис қилиши ва унга масъулият билан ёндашиши учун асос бўла олади. Фуқаролик туйғусини тарбиялаш мураккаб ва кўпқиррали жараён бўлиб, бу жараёнда ўқувчиларга фуқароликнинг моҳияти ва меъёрий қондалар мазмунига оид билим, кўникма ва малакалар шакллантириб борилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. *Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Т.: «Ўзбекистон», НМИУ, 2017 й.*
2. *Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириши КОНЦЕПЦИЯСИ. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириши тизимини тубдан такомиллаштириши тўғрисида»ги ПФ-5618-сон Фармонида 1-ИЛОВА.*
3. *Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.-Т.: 2005 й.*